

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ МУРОД ТАШПУЛАТОВИЧ

**ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАТЛАР ЁРДАМИДА ПРОТЕЗЛАШНИНГ
ТУРЛИ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Сафаров Мурод Тошпулатович Дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослаш.....	3
Сафаров Мурод Ташпулатович Клинико-патогенетическое обоснование эффективности различных методов протезирования на дентальных имплантатах.....	29
Safarov Murad Tashpulatovich Clinical-pathogenetic justification of the effectiveness of different methods of prosthetics on dental implants.....	56
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ МУРОД ТАШПУЛАТОВИЧ

**ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАТЛАР ЁРДАМИДА ПРОТЕЗЛАШНИНГ
ТУРЛИ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.DSc/Tib97 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ирсалиев Хусниддин Ибрагимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камилов Хайдар Пазылович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гулямов Сурат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рузуддинов Саурбек Рузуддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Ёнсей университети (Жанубий Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел/факс: +998 (71)-230-20-65, e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан (DSc) Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. (Тел/факс: (+99871)-230-20-65).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ.Хайдаров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

О.Е. Бекжанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда стоматологик касалликлар оқибатида бир ёки бир нечта тишлар йўқотилиши бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, турли касалликларга сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотлари маълумотларига кўра, «... шикаст, кариес ва пародонтит сабабларга кўра тишларнинг қисман ёки тўлиқ йўқлиги ер юзининг турли минтақаларидаги 75% аҳолида кузатилмоқда»¹. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... ёш ўтиши билан нисбат тўлиқ окклюзион нуқсонлар томонга ошиб бормоқда. Кўпинча бир ёки бир нечта тишлар бўлмаганда даволаш анъанавий кўчма протезлар ёки шакл берилган тишлардаги таянчга эга кўприксимон протезлар билан амалга оширилмоқда. Ортопедик даволашда аҳолининг эҳтиёжи даражаси юқори бўлиб қолмоқда, 20-29 ёш гуруҳида 30,3% дан 50-59 ёш гуруҳида максимал 68,1% гача етмоқда»². Тиш қаторлари нуқсонларига чалинган беморлар учраш даражасининг юқорилиги ўз навбатида, бундай ижтимоий физиологик, эстетик ва руҳий хусусиятдаги масалаларни эрта ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда тиш имплантатлари ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада оғиз бўшлиғи тўқималар ҳолатини ташхислаш усулларини такомиллаштириш; тиш имплантатларининг янги моделларини ишлаб чиқиш; ички суяк имплантатларига ўрнатиладиган ортопедик протезларни ишлаб чиқиш; тиш имплантатлари шакли ҳамда физикавий-кимёвий хусусиятларини аниқлаш; периимплантит соҳасида саратон ривожланишини аниқлаш; беморларда ҳар қандай клиник ҳолатда операция ўтказиш имконини берувчи шакл ва ўлчамларнинг турли тўпламига эга бўлган махсус конструкцияли имплантатларни ишлаб чиқиш; тиш имплантацияси бўйича замонавий технологияларни такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда суяк ички имплантатларига асосланган протез конструкцияларини лойиҳалаштириш орқали эҳтимолий асоратларни олдини олиш, перимплантат худуд тўқималаридаги микроциркуляция ҳолатини аниқлаш, ечилмайдиган тиш конструкциялари билан протезлашдан сўнг тиш имплантатларининг остеоинтеграцияси даражасини аниқлаш ва чайнаш мушаклари функциясини тиклашда тиш имплантатларига таянчга эга бўлган тиш протезларига мослаштириш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, юқори технологик стоматологиядан фойдаланган ҳолда ортопедик даволаш йўли билан тиш қаторлари нуқсонларини даволашни яхшилаш, аҳолига

¹ Oral health: equity and social determinants // WHO. - Geneva, 2010. - P.159-167.

^{2,3} Hobdell M., Petersen P.E., Clarkson J., Johnson N. Global goals for oral health 2020 // International Dental Journal. - 2003. - Vol.53. - P. 285 - 288.

кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»³ каби вазифалари белгиланган. Бу борада муҳим вазифалардан бири, имплантологияни халқаро стандартларга мослаштириш ва турли ёш гуруҳидаги инсонлар орасида тиш имплантатларига таяниб ортопедик даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг, жумладан қуйидаги илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: Karolinska Institutet (Швеция), King's College London (Англия), The University of Hong Kong (Гонконг), University of Michigan (АҚШ), University of Gothenburg (Швеция), Harvard University (АҚШ), Osstem Implant тадқиқот ва ишланмалар глобал маркази (Сеул), University of Zurich (Швейцария), University of Bern (Швейцария), Tokyo Medical and Dental University (Япония), Мельбурн университети (Австралия), Пекин университети (Хитой), Сеченов университети (Россия), ЦНИИС ва ЧЛХ (Белоруссия), Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон).

Жаҳонда тиш имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усулларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: тиш имплантларининг милкдаги яллиғланиш

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

⁴ <https://ibi.clinic/>; <https://www.bsu.edu.ru/bsu/structure/detail.php?ID=364852>
https://www.unipage.net/ru/7124/academic_centre_for_dentistry

жараёни шаклланиши ва кечишида клиник-иммунологик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар аниқланган (King's College London, Англия); тиш имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли комбинациялашган жарроҳлик йўли билан даволаш усули ишлаб чиқилган (University of Gothenburg, Швеция); тиш имплантатлари яхши ўрнашмаслигида оғиз бўшлиғи ичра турли микрофлораларнинг сабабчи эканлиги исботланган (Tokyo Medical and Dental University, Япония); дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли самарали замонавий усуллари такомиллаштирилган (University of Bern, Швейцария).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида тиш имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: оғиз бўшлиғи тўқималар ҳолатини ташхислаш усуллари такомиллаштириш; тиш имплантатларининг янги моделларини ишлаб чиқиш; ички суяк имплантатларига ўрнатиладиган ортопедик протезларни ишлаб чиқиш; тиш имплантатлари материаллари ва уларнинг физикавий-кимёвий хусусиятларини аниқлаш; периимплантит соҳасида саратон ривожланишини аниқлаш; беморларда ҳар қандай клиник ҳолатда операция ўтказиш имконини берувчи шакл ва ўлчамлари турли тўпламига эга бўлган махсус конструкцияли имплантатларни ишлаб чиқиш; тиш имплантацияси бўйича замонавий технологияларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда тиш қаторлари нуқсонларини бартараф қилишнинг энг истиқболли усули тиш имплантацияси саналади. Тиш имплантатларини ўрнатиш бўйича операциялар тиш қаторлари нуқсонларини нафақат функционал балки эстетик жиҳатдан бартараф қилади, бу ижтимоий аҳамиятни оширади. Стоматология фанлари ривожланишига қарамасдан, оғиз бўшлиғи касалликлари ўсиши юқори бўлиб қолмоқда, бу тиш қаторлари нуқсонларини протезлаш ва имплантацияга эҳтиёжда ўз аксини топади. Бемор учун асосийси имплантатнинг битиши ва унинг хизмат муддати, тиш имплантатга эга беморда пастки жағ алвеоляр қисми ва юқори жағ алвеоляр ўсимтаси суяк тўқималари ҳолати ўзгариши тўғрисидаги масала саналади (Матчин А.А., Барков В.Н., 2019).

Муаллифлар томонидан, Saravi et al. *International Journal of Implant Dentistry* (2020)⁷, PRISMA тавсияларига мувофиқ ўтказилган шарҳ ва тизимли кидирув ўтказилган. Излаш натижасида 2577 тадқиқот топилди, шундан 6 тадқиқот сифатли таҳлилга киритилган. Аниқландики, имплантатдаги таянч билан ортопедик даволашдан сўнг суяк тўқималарининг маргинал йўқотилиши протез шаклига боғлиқ эмас. Хадас университети (Исроил) тадқиқотчилари мақолаларида имплантатларнинг мезиал ва дистал томонларига эга суяк тўқималари даражаси бевосита тиш имплантатни ўрнатиш куни, ўрнатгандан 3 ва 6 ой, бир йил ўтиб рентгенограмма бўйича ўлчанди. Бир босқичли ва икки босқичли протокол бўйича маргинал суяк йўқотилиши даражаси қисқариши тафовути йўқлиги ва имплантат

⁷ <https://doi.org/10.1186/s40729-020-00221-x>

яшовчанлиги даражаси 100% эканлиги аниқланди (Prof. Lior Shapira, Dr. Kobi Ekstein, Dr. Moshik Tandelic, 2017).

Onclin et al. International Journal of Implant Dentistry (2020)⁸ атрофияга учраган юқори жағда имплантат ўрнатишни енгиллаштириш учун бурун тешигидан фойдаланиб намуна ишлаб чиқдилар. Имплантатларни ўрнатиш аниқлиги компютер томография тасвирларини солиштириш йўли билан аниқланган. 2012-2016 йилларда Тошкент стоматология институтига мурожаат қилган беморлар муҳтожлигининг ретроспектив таҳлили ўтказилган. Аниқландики, ёш ўтиши билан нафақат мавжуд бўлмаган тишларнинг мутлоқ сони ошиб боради, балки пайдо бўладиган нуқсонлар ҳам катталашади. Мурожаат қилганларнинг 50% и ортопедик ёрдамга муҳтождир (Абдуллаев Ш.Ю., 2017). Ўзбекистонда тадқиқотчилар томонидан хавфсизлиги ва яхши битишини намоён қилган трикальцийфосфат ва хитозан асосидаги биоқоплама мавжуд тиш имплантатни ишлаб чиқдилар ва жорий қилдилар.

Турли моделдаги имплантатлар ва ортопедик даволашни қўллаган ҳолда тиш қаторларининг иккиламчи нуқсонларига чалинган беморларни соғломлаштиришнинг адабий маълумотлари ўтказилган таҳлиliga биноан яхши натижалар кўрсатмоқда. Аммо оғиз бўшлиғининг микробиологик, функционал ўзига хосликлари, суяк ва жағнинг юмшоқ тўқималари ҳолатига мувофиқ уларнинг остеоинтеграциясини баҳолаб имплантат моделларини танлаш мезонларини аниқлаш муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400199 «Тиш каттик тўқимаси, пародонт, оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари профилактикаси, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш» лойиҳаси доирасида бажарилган (2016-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суяк ички имплантатларига асосланган протез конструкцияларини лойиҳалаштириш орқали эҳтимолий асоратларни олдини олиш учун соғломлаштирувчи тадбирлар алгоритмини такомиллаштириш;

доплер флуометрия усули билан протезлашгача ва ундан кейин перимплантат ҳудуд тўқималаридаги микроциркуляция ҳолатини аниқлаш;

ечилмайдиган тиш конструкциялари билан протезлашдан сўнг тиш имплантатларининг остеоинтеграцияси даражасини аниқлаш;

чайнаш мушаклари функциясини тиклашда тиш имплантатларига таянчга эга бўлган тиш протезларига мослаштириш орқали эрта юкламанинг аҳамиятини баҳолаш;

⁸ <https://doi.org/10.1186/s40729-020-00217-7>

перимплантит пайдо бўлиши ва ривожланишида микрофлоранинг аҳамиятини баҳолаш;

тажрибада суяк ўқига нисбатан имплантатларнинг мумкин бўлган қиялик бурчагини аниқлаш;

суяк ички имплантатларига маҳкамланган ечилмайдиган ортопедик конструкциялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлиб 2006-2020 йилларда Тошкент давлат стоматология институти клиникасида даволанган 21 ёшдан 60 ёшгача бўлган 230 нафар (112 аёл ва 118 эркак) беморлар ҳамда тажриба учун 13 та жайдари қуёнлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ортопедик даволашдан кейин альвеоляр суяк тўқималари ва суяк ичи имплантатлари ҳамда морфологик тадқиқотлар учун тажриба қуёнларининг альвеоляр суяк тўқималари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, стоматологик, клиник-функционал, лазерли доплер флуометрия, рентгенография, ултратовуш денситометрия, электромиография, микробиологик, гистологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк бор тиш импланти атрофида бир ойдан кейин қон таъминотининг икки баробар ортишига сабаб эрта функционал юклама таъсирида таркибий тўқималар ритмик қон айланиши даражаси камайиши, қон томирлари девори тонусининг ўсиши ва қон айланишининг тезлашуви билан боғлиқ экани исботланган;

илк бор тиш импланти атрофида чайнаш юкламаси таъсиридан олти ойдан кейин тўқималар қон айланиши ва интенсивлигини ортиши микро қон томирлар вазомотор фаоллигининг ўсишига пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

кечки (6-8 ой) муддатларда эрта функционал юкламанинг тиш имплантлари соҳасидаги пастки жағ алвеоляр ўсимтанинг суяк тўқималари зичлиги (имплантат бўйни ва ўртаси) ҳолати соғлом ҳудуддаги суяклар зичлик кўрсаткичларига мос келиши аниқланган;

илк бор тиш имплантатларга эрта функционал юклама таъсирида чайнов мускуллари (m. Masseter ва m. Temporalis учун координация коэффициентининг сиқишда тинч ҳолатига нисбатан ишонарли ортиши) биопотенциалининг ортиши ва натижада икки томонлама чайновнинг тўлиқ тикланиши исботланган;

илк бор тиш имплантларига таянган кўприксимон протезланган беморларда ҳосил бўлиши мумкин бўлган ортиқча функционал зўриқиш имплант атрофидаги суяк тўқимаси атрофияси ва имплант атрофидаги юмшоқ тўқиманинг яллиғланиши билан узвий боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эрта функционал юкламаларда суяк ички имплантатларига ечилмайдиган тиш протезлашнинг клиник самарадорлиги асосланган;

жағ суяк тұқимасига имплантат фиксацияси сифатини оширишни таъминловчи оптимал имплантат қиялик бурчаги суякка нисбатан 15-17 градус экани аниқланган;

тиш қаторларининг турли нуқсонларига чалинган беморларда тиш протезларининг турли конструкциялари қўлланганда тиш имплантларига клиник кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

сунъий таянчнинг энг катта барқарорлигини сақлашга қаратилган суяк ички имплантларини қўллаганда тишни протезлашдаги эҳтимолий асоратларни олдини олиш ва мақсадли соғломлаштириш чора-тадбирлари алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тажриба хайвонлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, стоматологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган; илк бор тиш импланти атрофида бир ойдан кейин қон таъминотининг икки баробар ортишига сабаб эрта функционал юклама таъсирида таркибий тұқималар ритмик қон айланиши даражаси камайиши, қон томирлари девори тонусининг ўсиши ва қон айланишининг тезлашуви билан боғлиқ экани исботланган; тиш импланти атрофида чайнаш юкламаси натижасида яқин ва кечки муддатларда тұқималар қон айланиши ва интенсивлигини ортиши микро қон томирлар вазомотор фаоллигининг ўсишига пропорционал боғлиқлигини аниқланганлиги, алвеоляр ўсимтанин суяк тұқималари зичлиги ҳолати соғлом ҳудуддаги суяклар зичлик кўрсаткичларига мос келиши, чайнов мускуллари биопотенциалининг ортиши ва натижада икки томонлама чайновнинг тўлиқ тикланиши ҳамда суяк тұқимаси атрофияси ва имплант атрофидаги юмшоқ тұқиманин яллиғланиши билан узвий боғлиқлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эрта функционал юкламаларда суяк ички имплантатларига ечилмайдиган тиш протезлашнинг клиник самарадорлиги асосланганлиги, жағ суяк тұқимасига имплантат фиксацияси сифатини оширишни таъминловчи оптимал имплантат қиялик бурчаги суякка нисбатан 15-17 градус эканлиги, турли конструкциялари қўлланганда тиш имплантларини қўлашнинг клиник кўрсатмалари ишлаб чиқилганлиги, тишни протезлашдаги эҳтимолий асоратларни олдини олиш ва мақсадли соғломлаштириш чора-тадбирлари алгоритми

такомиллаштирилганлиги тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослашдан бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тиш қаторларининг кичик нуқсонлари мавжуд беморларни даволаш усули асосида ишлаб чиқилган «Тиш имплантатларидан фойдаланган ҳолда тиш қаторларининг кичик нуқсонлари мавжуд беморларни даволаш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги №8н-д/149- сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тиш қаторларининг кичик нуқсонлари мавжуд беморларни эрта аниқлаш, дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари қўллаш орқали оғиз бўшлиғидаги тиш қаторларини мустаҳкамлигини сақлашга ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилган;

дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари асосида ишлаб чиқилган «Тиш имплантатларини қўллаган ҳолда тиш протезлашнинг патогенетик асослари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги №8н-д/149- сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тиш қаторлари нуқсонлари ва алвеоляр ўсимталардаги суяк шаклланиши бузилишига чалинган беморларни даволашда оптимал ортопедик конструкцияларни танлаш ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

тиш имплантатлари барқарорлигини тажрибада текшириш асосида ишлаб чиқилган «Эрта ва узоқ юкламада тиш имплантатлари барқарорлигининг тажрибавий асослари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги №8н-д/149- сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тиш имплантатлари барқарорлик шартларини аниқлаш ва таянч тўқималарга функционал юклама таъсирини баҳолашга хизмат қилган;

дентал имплантатлар ёрдамида протезлашнинг турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республикаси стоматология давлат унитар корхонаси поликлиникаси, 1-стоматология давлат унитар корхонаси поликлиникаси ва “Туртинчи” МЧЖ стоматология поликлиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги №8н-д/148-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши дентал имплантларига таянган тиш протезларини беморларда қўллашга, ортопедик даволаш самарадорлигини оширишга, протезлашдаги эҳтимолий асоратларни олдини олишга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари натижалари жами 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, жумладан, 20 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, еттита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Турли тиш имплантатларни қўллаган ҳолда беморларни ортопедик даволаш ўзига хосликлари**» деб номланган биринчи бобида турли тиш имплантатларни қўллаган ҳолда беморларни ортопедик даволашнинг ўзига хосликларига бағишланган замонавий адабиётларнинг батафсил таҳлили ўтказилган; ички суяк имплантатларидан фойдаланиб ортопедик даволаш учун беморларнинг махсус тайёрлаш аниқланган; имплантация учун анатомик-топографик шароитлар ва текширув услуги белгиланган; яллиғланиш асоратлари пайдо бўлганда имплантат милк эгатларининг ҳолати микробиологик баҳоланган; имплантатларни киритиш ҳудудида остеоинтеграция жараёнларига уларнинг геометрияси ва юзасининг хусусияти таъсири; клиник биомеханика ва дентал имплантатларни қўллаган ҳолда ортопедик стоматологияда унинг аҳамияти; тўқималар мажмуасига окклюзия ва артикуляция таъсири; биомеханик ўзига хосликлар ва механик таъсирида жағ суяк тўқималари реакцияси; суяк тўқималарини қайта моделлаштириш жараёни ва прогноз билан даволаш натижаларининг боғлиқлиги, имплантатларга таянган ортопедик конструкциялари функционал самарадорлигини баҳолаш муҳимлиги кўрсатилган.


Диссертациянинг «**Текширилган беморлар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2006-2020 йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент давлат стоматология институти ортопедик стоматология кафедраси ва клиникаларидаги 230 беморнинг клиник кузатувлари умумий хусусиятлари келтирилган. Тиш қаторлари нуқсонларига мувофиқ ортопедик даволаш ўтказилган 118 эркадаги 265 имплантат ва 112 аёлдаги 197 имплантатдан фойдаланиб ортопедик даволаш ва беморларни текшириш натижалари маълумотлари умумлаштирилган.

Имплантат конструкцияси ва протезни танлашга кўрсатмани аниқлашда Кеннеди таснифидан фойдаланилган. Тиш қатори нуқсони шаклига боғлиқ ҳолда беморларнинг 4 гуруҳи шакллантирилган: 1 гуруҳ - 60 бемор икки

томонлама чегараланмаган нуқсони эга бўлган; 2 гуруҳ – чегараланган нуқсонга эга 60 бемор; 3 гуруҳ – бир томонлама чегараланмаган нуқсонларга эга 60 киши; 4 гуруҳ – 50 бемор, уларда анъанавий кўприксимон протезлаш ўтказилган. Динамик кузатув тишни протезлашдан кейин 1,3,6 ой ва 1, 2 ва ундан ортиқ вақт ўтиб амалга оширилди. Узоқ кузатувлар натижалари 3 йилдан 11 йилгачани ташкил қилди (1-расм.). 2 расмда имплантатлар локализацияси кўрсатилган.



1-расм. имплантатдаги таянчга эга кўприксимон протездан фойдаланишнинг ўртача муддатлари (ёш).



2-расм. Танланган жойлашувни ҳисобга олиб имплантатларни тақсимлаш.

Асоратларни эрта ташҳислаш ва имплантатларнинг турли тизими узоқ вақт фаолиятини таъминлаш мақсадида 3, 6, 12 ой, 2, 5, 7, 11 йилдан сўнг протезлашдан кейин диспансеризация ўтказилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги функционал усуллардан фойдаланилган: лазер доплерофлоуметрия, рентгенография-ортопантомография, суяк тўқимаси ультратовуш денситометрияси, чайнаш мушаклари электромиографияси. Лабораторияда оғиз бўшлиғи ва имплантат-милк эгатларининг микробиологик текширувлари бажарилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариация статистикаси усулидан фойдаланилиб ўтказилди. Оралиқ тафовут ишончилиги Стьюдент мезонига кўра 95% ишончилик оралиғи билан баҳоланди ($P < 0,05$).

Тадқиқотнинг тажрибавий қисми массаси 2-2.6 кг бўлган 13 та жайдари куёнларда ўтказилди, улар 3 гуруҳга бўлинди:

1- назорат, 2 ва 3 гуруҳларда имплантат атрофидаги суяк тўқималарининг морфометрик жараёнларини кейинчалик ўрганган ҳолда «Конмет» (Россия) фирмаси ички суяк винт имплантатлари қўйилган. 2 гуруҳ жониворларда пастки жағ вертикал ўқига нисбатан турли бурчаклар остида имплантат ўрнатилди (3, 5, 7, 10 ва 15 градус), 3 гуруҳда эса - юклама билан имплантат атрофида қўйилди (1-жадв.; 3 -расм.).

1-жадвал.

Биомоделлар миқдори, кузатув муддатлари, белгиланган имплантатлар сони ва ўлчамлари

Тажрибавий хайвонлар		Кузатув муддати, ой	Ўрнатилган имплантатлар сони	Бирлаштирилган имплантатлар сони	Таёранган микропрепаратлар сони
Гуруҳ	сон				
1	3	12	-	-	

2	5	12	7	5	48
3	5	12	8	6	48
Жами : 13 жонивор		12	15	11	96



3-расм. Тажрибавий хайвонлар пастки жағига винт имплантат ўрнатилган.



4-расм. винт имплантатлари қўйилган қуённинг пастки жағ скелет фрагменти

Жониворларнинг скелетлаштирилган пастки жағларидан (4-расм.) 96 парафин гистологик препаратлари тайёрланди (гематоксилин-эозин ва Ван-Гизон бўйича бўялган), улар KarlZeiss (Germany) фирмасининг Ptimastar микроскопида ўрганилди ва суратга олинди.

Диссертациянинг «**Имплантатга таянган протез конструкциясини танлашнинг клиник-патогенетик асоси**» деб номланган учинчи бобида ТДСИ ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедрасида 15 йил мобайнида етакчи мутахассислар томонидан тўпланган катта клиник материалларга асосланган тиш қаторларининг турли нуқсонларига асосланган ортопедик усулнинг асоси ва ички суяк имплантатларига асосга эга тиш протезларини танлашнинг клиник концепцияси келтирилади.


Мазкур мақолаларга кўра, ички суяк имплантациясидаги асоратлар, асосан яллиғланиш хусусиятида бўлиб, ўртача 5,5% ни ташкил қилади, бу ҳам тишни протезлашдан кейин эрта муддатларда ҳам бир неча йил ўтиб пайдо бўлиши мумкин.

Имплантатга таянган протез конструкцияларини танлаш ва асослашнинг ишлаб чиқилган концепцияси протезни режалаштириш ва конструкциялашнинг ўзига хосликлари билан боғлиқ асоратларни олдини олиб тиш қаторлари нуқсонлари мавжуд беморларни ортопедик даволаш ишончлилигини оширади.


Диссертациянинг «**Ортопедик даволашдан сўнг беморнинг тиш-жағ тизимини клиник текшириш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида даволашдан сўнг жағ тизимининг клиник ҳолати хусусиятлари берилди. Баҳолаш индексларининг ягона халқаро тизими ҳали ишлаб чиқилмаган. Имплантат ҳолатини баҳолаш учун Джеймс-Миша таснифидан фойдаланилди. Бу даволашнинг оптимал режасини танлаш ва унинг натижаларини прогнозлаштириш имконини берди.

Имплантат соҳасидаги тўқималарнинг клиник ҳолатини баҳолаш беморнинг оғиз бўшлиғини кўриқдан ўтказиш ва шикоятлардан келиб чиқиб амалга оширилди. Дастлабки субъектив мезон имплантат соҳасида беморнинг

шикоятлари ва ноқулайлиги бўлди. 230 бемордан - 15 (5%) тасида таянчга эга қўзғалмас протезлардан фойдаланганда энгил оғриқ қайд қилинди.



5-расм. Тозалашгача ва ундан кейин зонд сигнали миқдори.




6-расм. Имплантат тозалангунга қадар ва ундан кейин флуоресцент сигнал миқдори.


Клиник текширув натижалари таҳлили ва флуоресцент ташхис экспресс усули маълумотлари шуни кўрсатдики, бактериал флора ва милк имплантат эгати чуқурлиги ўртасида ўзаро алоқа мавжуд.

Тескари қайтувчи зонд сигнали интенсивлиги ошиши имплантат соҳасидаги озукавий яраларни йўқотиш тўғрисида далолат беради. Оғиз бўшлиғи гигиенаси ёмон бўлганда сигнал ошиши катта миқдордаги микрофлоралар мавжудлигидан далолат беради (5-расм. ва 6-расм.). Оғиз бўшлиғининг яхши гигиенасида тиш ва имплантатларни тозалаш уларнинг флуоресценцияси пасайишига олиб келади, бу тадқиқот объекти имплантатдаги микрофлора концентрацияси камайганлигидан далолат беради. Олинган маълумотлар ички суяк имплантати соҳасида суяк тўқималари резорбцияси ва периимплантитни тўхтатиш учун тегишли даволаш зарурлигини тасдиқлайди.


Гемодинамика жараёнлари лазер доплер флоуметрия усули билан аниқланди (ЛДФ). Дентал имплантациядан 1 ой ўтиб 1 гуруҳ беморларда ЛДФ натижалари таҳлили микроциркуляция кўрсаткичи яхшиланганини аниқлади (М), у илк миқдордан паст бўлди, бу имплантация соҳасидаги алвеоляр ўсимта шиллик қавати тўқималарида вена тўрғунлиги сақланганидан далолат берди.




7-расм. милк тўқималарида имплантациядан кейин 1 ой ўтиб капилляр қон ўтиши даражаси кўрсаткичининг динамикаси (М) (100% учун илк миқдор М қабул қилинган).



8-расм. милк тўқималарида имплантациядан кейин 3 ой ўтиб тўқималар қон ўтиши интенсивлиги кўрсаткичининг динамикаси (σ) (100% учун илк миқдор σ қабул қилинган).



Кизил чизик – эрта функционал юклама; сарик чизик – юкламасиз.
 9-расм. Кузатувнинг 6 ойи ўтгандан сўнг имплантациядан кейинги милк тўқималаридаги микротомирларнинг вазомотор фаоллиги миқдори динамикаси (Kv).



10-расм. Кузатувнинг 12 ойи ўтгандан сўнг имплантациядан кейинги милк тўқималаридаги микротомирларнинг вазомотор фаоллиги миқдори динамикаси (Kv) (100% учун).

Ритмик таркибий тўқималар қон айланиши ЛДФ-грамма спекторида 41–82% га пасайган бўлса ҳам, илк даражадан кам бўлди ва вена тўрғунлиги мавжудлигини характерлади. Микро қон томирлар вазодилатацияси вазоконстрикция билан алмшатирилди, қон томирлари деворларининг тонус кучланиши 75% га ошди, вена тўрғунлиги шароитида артериал оқим пасайди (7-расм.).

2 гуруҳ беморларда эрта функционал юклама билан имплантат қўйилгандан кейин 1 сутка ўтиб капилляр қон юриши даражаси 75% га кўтарилди, бу қон имплантати соҳасида тўқималар перфузияси кучайишидан далолат беради. Қон ўтиши фаоллиги (σ) 2.5 марта ошди, микро қон томирларнинг вазомотор фаоллиги (Kv) - 40% га кўтарилди, бу жағ суяк тўқималаридаги жарроҳлик аралашувларига жавоб сифатида микроциркулятор тўшакида гиперемия ривожланишидан далолат берди (расм.8).

3 ойдан сўнг имплантат атрофидаги тўқималарда капилляр қон ўтиши даража кўрсаткичи (M) 17% га пасайди, илк миқдорга нисбатан анча юқори бўлиб қолди. Микроциркуляция интенсивлиги илк миқдорга нисбатан 31% га пасайди. Вазомотор фаоллик (Kv) 2,5 мартага камайди, бу гиперемиядан далолат беради.


Чайнаш юкламалари таъсиридан кейин 6 ой ўтиб (9-расм.) микроциркуляциянинг барча таҳлил қилинаётган кўрсаткичлари илк миқдорга қадар тикланди. Даража (M) 17% га пасайди, унинг интенсивлиги (σ) 13% га ошди, микро қон томирларнинг вазомотор фаоллиги 12% га ўсди, бу имплантатни ўраб турувчи тўқималарда микроциркуляциянинг тикланишидан далолат берди. Тиш имплантатлари фаолиятининг 12 ойдан сўнг кўрсаткичлар янада яхшиланиш тенденциясига эга бўлди, бу импланта атрофидаги тўқималарда гемомикроциркуляциянинг меъёрлашганлиги ҳақида далолат берди (10-расм.).

Тиш имплантатларни қўллаган ҳолда беморларни ортопедик даволашда чайнаш мускуллари биоэлектрик фаоллигини ўрганиш (БЭФ). Электромиографик текширувлар 3 гуруҳга бўлинган беморларнинг чайнаш ва чакка мушаклари соҳасида ўтказилди: I гуруҳ- тиш қаторларининг бир ва икки томонлама чегараланмаган нуқсони мавжуд 12 бемор, II гуруҳ - ички суяк


имплантациядасидан кейинги 14 бемор ва III гуруҳ - дистал таянчга эга кўприксимон металл керамик протезлар қўйилган 14 беморлар.

Ортопедик даволашга қадар биринчи гуруҳ беморларида қуйидаги қонуният аниқланган. БЭФ интакт томонда *m. masseter* мушаклари 1.5 марта, *m. temporalis* эса нуқсон томонига нисбатан 2,3 марта юқори бўлди (11-расм.). Икки томонлама нуқсонга эга 80% беморларда асосан чайнашнинг ўнг томонлама тури, 20% беморда эса тенг маромдаги икки томонлама чайнаш аниқланган. Чайнашнинг бир томонлама турида ишчи томондаги БЭФ нинг ўртача миқдорлари *m. masseter* мушаклари учун 1.8 марта ва *m. temporalis* учун 2,1 марта юқори бўлди. Чайнашнинг маромий турига эга беморларда *m. masseter* ва *m. temporalis* мушаклари функционал фаоллиги ўнг ва чапда тахминан бир хил бўлди.

II гуруҳ беморларда электромиографик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жағ сиқилганда максимал амплитуда БЭФ *m. masseter* соғлом томонга 440 ± 120 мкВ; *m. masseter* тишсиз томонига- 180 ± 70 мкВ ва *m. temporalis* 392 ± 110 мкВ; *m. temporalis* соғлом томонга - 728 ± 191 мкВ ни ташкил қилди. Чайнашда *m. masseter* мушаклари учун координация коэффициенти ўртача $2,4 \pm 0,13$, *m. temporalis* мушаклари учун $0,5 \pm 0,13$; тинч ҳолатда *m. masseter* мушаклари учун $0,4 \pm 0,13$, *m. temporalis* мушаклари учун $2,1 \pm 0,13$ ни ташкил қилди, бу чайнаш мушаклари ишида уйғунлик бузилганлигидан далолат берди (12-расм).



11-расм. I гуруҳ беморлар чайнаш мушакларидаги биоэлектрик фаоллик (БЭФ).



12 - расм. II гуруҳ беморлар чайнаш мушакларидаги биоэлектрик фаоллик (БЭФ).

Эрта функционал юклама билан ўтказилган имплантациядан сўнг 3 ой ўтиб тинч ҳолатда мушаклар БЭФ кичик пасайиши кузатилди. *m. masseter* учун тинч ҳолатда координация коэффициенти $0,72 \pm 0,05$; *m. temporalis* учун $0,5 \pm 0,03$. Бу ўз чайнаш ва чакка мушакларида БЭФ ўзгариши ҳисобидан содир бўлди, бу эса чайнаш мушаклари ишининг уйғун нисбати тенглашганидан далолат беради (2-жадвал). 12 ойдан кейин 3 гуруҳ беморларда эрта функционал юкламадан сўнг чайнаш мушакларининг уйғун иши меъёрлашувининг сақланиши қайд қилинган.

2-жадвал

Имплантатдаги эрта функционал юкламада чайнаш мускуллари БЭФ миқдори динамикаси (мкВ)

	Илк	3 ой	12 ой

Ўрганилган мушаклар	II гуруҳ	III гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
m. masset. (тишсизлик)	180±64 мкВ	190±74 мкВ	397±143 мкВ	280±81 мкВ	399±77 мкВ	310±100 мкВ
m. masset. (соғлом.)	440±120 мкВ	430±110 мкВ	460±98 мкВ	400±100 мкВ	450±120 мкВ	420±115 мкВ
m. temp. (тишсизлик)	392±110 мкВ	400±98 мкВ	610±200 мкВ	420±110 мкВ	600±187 мкВ	520±130 мкВ
m. temp. (соғлом.)	728±191 мкВ	700±210 мкВ	650±200 мкВ	568±120 мкВ	660±210 мкВ	560±130 мкВ

ЭМГ маълумотларига кўра эрта функционал юкламада чайнаш мушаклари фаоллиги ошиши қайд қилинади.



Ортопедик даволашни режалаштиришда рентгенологик текширувни албатта ўтказиш шарт. Маълумки, фаолиятнинг биринчи йилидан кейин суякларнинг ҳар йиллик ўртача бузилиши 0,1мм дан 0,3 мм гачани ташкил қилади. Тиш имплантатларни қўллаган ҳолда ортопедик даволашга таъсир қилувчи ортопедик омиллардан бири окклюзион ўзаро муносабатлар ҳолати саналади (Хватова В.А., 2001).

Танлаб текислаш услубиёти Дженкелсон услубиётига кўра марказий, ён окклюзия ҳолатида ўтказилди. Тиш протезларининг окклюзион юзаси ва сақланиб қолган тишларни окклюзион думбокчаларини танлаб чархлаш услубиёти самарадорлигини рентгенологик тадқиқотлар билан 1, 2, 3 ойлар мобайнида назорат қилинди.

1 ой ўтиб имплантатни атрофида янги шаклланган суяклар ўсиши кузатилди. Яллиғланиш белгилари мавжуд эмас. 3 ойдан кейинги тасвирларда суяк тўқимаси етарли мустаҳкамликка эга бўлди. 6 ойдан кейин имплантатлар атрофида уни барча томондан қамраб олувчи суяк тўқимаси шаклланган. 2-гуруҳ беморларда барча муддатларда имплантат атрофидаги суяк тўқималари ҳолатида тафовутлар бўлмади.

Чайнашнинг бир томонлама тури имплантат тўқималар атрофида функционал юклама ошишига олиб келади, бу остеоинтеграция жараёнларига салбий таъсир кўрсатади, травматик окклюзия кузатилди. Ўз навбатида мазкур иш якунлари бўйича иккинчи хулоса тиш имплантатдаги эрта функционал юкламаларнинг ижобий аҳамиятига олиб келади.

Имплантат соҳасида пастки жағ кортикал пластинкаси суяк тўқималари сояси баландлиги пасайган, шунингдек имплантат соҳасидаги рентгенооптик зичлик ҳам камайган.



1	Mutans гуруҳ стрептококклар	2-100	5,8±0,6	18-19	5,6±0,6	32-91,4	6,0±0,6	14-40	4,3±0,4
2	salivarius гуруҳ стрептококклар	20-100	7,4±0,7	16-80	5,3±0,5	24-69	4,9±0,5	8-23	3,2±0,3
3	Стафилококклар	8-40	3,2±0,3	10-60	3,1±0,3	16-46	2,3±0,2	6-17	-
4	Бошқа кокклар	8-40	3,1±0,3	3-15	-	11-31,4	1,9±0,2	-	-
5	Дифтероидлар	11-55	2,9±0,3	2-10	-	2-5,7	-	-	-
6	Нейссериялар	18-90	5,5±0,5	3-15	-	13-37,1	2,1±0,2	-	-
7	Лактобактериялар	18-90	3,9±0,4	5-25	-	24-69	2,2±0,2	2-5,7	-
8	Актиномицетлар	4-20	-	2-10	-	5-14,3	-	5-14,3	-
9	Вейллонелллар	19-95	6,9±0,7	13-65	5,5±0,5	28-80	4,4±0,4	9-26	3,9±0,4
10	Пептострептококклар	17-85	7±0,7	19-95	6,2±0,6	31-89	5,0±0,5	10-28,5	3,4±0,3
11	Фузобактериялар	12-60	1,8±0,3	10-50	3,1±0,3	23-66	5,1±0,5	14-40	3,7±0,4
12	Бактериодлар, жами	2-10	-	18-90	4,4±0,4	25-83,3	5,1±0,5	28-82,8	3,8±0,4
13	Шундан одонтоген»	18-90	3±0,3	5-27,7	-	8-22,8	4,8±0,5	19-61,8	4,8±0,5
14	Хамирсимон замбуруғлар	5-25	-	3-15	-	14-40	2,2±0,2	11-31,4	1,4±0,1

Устунлик қилувчи микрофлоралар анаэроб ва аэроб стрептококклар ва бектероидлар гуруҳи бўлиб қолади. Аммо «salivarius» стрептококкларга нисбатан анча кўпроқ «mutans» стрептококклар учрайди (90% ва 80%); бектероидлар гуруҳи орасида Pargingvalis ва Pr.intermedius катта улушга эга бўлди- текширилганларнинг 27,7% да аниқланди. Вейлонелл частотаси 65%, стафилококк – 50%, лактобактерия – 25% ни ташкил қилди; бошқа микроорганизмлар янада кам аниқланди. Имплантат-милк эгатидаги микроб таначалари концентрацияси юқори бўлмаган ораликда жойлашган: КОЕ/мл максимал кўрсаткичи пептококкда 6,2: стрептококк «mutans», «salivarius» ва пептококкда мос равишда – 5,6-5,3 ва 5,5 ни ташкил қилади.

Имплантат атрофидаги милкнинг яллиғланиш жараёни периимплантит каби ажратилади, у травматик, резорбтив, яллиғланиш, ярали хусусиятга эга бўлиши мумкин. Периимплантит имплантация ва протезлашдан кейин ҳам эрта ҳам кеч муддатларда пайдо бўлиши мумкин ва бу алвеоляр ўсимта суяк тўқималари сезиларли резорбциясига олиб келади.

Периимплантит ўрта шаклда назорат гуруҳи билан таққослаганда оғиз бўшлиғи микрофлорасининг сезиларли ўзгаришлари кузатилди, яшил стрептококкларнинг 68,5% гача ($p < 0,01$); стафилококк 90,0% дан 45,7% гача ($p < 0,01$); дифтероид 55,0% дан 5,7% гача ($p < 0,01$); нейссерий 90,0% дан 37,1% ($p < 0,01$) гача пасайди. Одонтоген анаэроблар ўсиши 10,0 % дан 83,3 % гача ($p < 0,05$), Candida замбуруғларининг екилиш частотаси 25,0% дан 50,0% гача ($p > 0,05$).

Имплант-милк эгатлари биотопи шуни кўрсатдики соғлом одамларда ассоциантлар миқдори - 7-6 (80,0%); периимплантитнинг енгил кечиши мавжуд беморларда - 6-3 (80,0%); ўртача аҳволдаги беморларда – 5-3 (74,3%) ва оғир аҳволдаги беморларда - 4 -2 (93,4%) ни ташкил қилди.

Шундай тарзда биотоп ўзгариши бўйича имплантат –милк эгатлари яллиғланиш жараёнининг турли шалқларида микроблардаги бузилишлар кўлами тўғрисида фикр юритиш мумкин.


Диссертациянинг «Тажрибавий тадқиқотлар» деб номланган олтинчи бобида икки асосий йўналишда ўтказилган жониворлардаги текширув

натижалари келтирилган. Препаратда имплантлашдан кейин бир ой ўтиб кузатув ҳудудида ҳужайралар яллиғланиши кузатилмади, бу имплантга организм реакцияси йўқлигидан далолат беради. Ҳужайравий регенерациянинг мазкур фазаси вақтида етилмаган суяк матрикси шаклланиши содир бўлади, у дағал толали суяк тўқималари ва йирик ядрога эга остеобласт шаклидаги ҳужайралардан иборат бўлади (14-расм.). Коллагендан иборат бўлган ҳужайрадан ташқари матрица шаклланиши ва мезенхимал ҳужайралардан фибробластларга ва остеобластларга фарқланиши содир бўлади (15-расм.).


Операциядан 2 ой ўтиб нуқсон ҳудудида юқорида ётувчи тўқималар кўчишисиз янги суяк тўқималари шаклланди. Суяк қавариқлари яхши шаклланган ва нуқсоннинг амалда бутун ҳажмини эгаллайди. Нуқсоннинг проксимал ҳудудида яхши ривожланган ёш суяк тўқимаси аниқланади (16 – расм. ва 17 - расм.).

Операциядан 3 ой ўтиб фиброз капсулалар коллаген толалар тўплами турли йўналишга эгаллиги кузатилди. Капсуланинг юпқалашуви суяк массаси ўсиши ва остеогенез давом этаётганлиги билан боғлиқ.


6 ойдан сўнг капсула ва милк шиллиқ қаватидаги яллиғланиш инфилтрацияси аниқланмади.




14-расм. Дағал толали суяк тўқималари шаклланиши. гематоксилин ва эозин билан бўйаш. Ош. 10x40.





15-расм. Остеобласт туридаги йирик ҳужайралар ва суяк нуқсони соҳасидаги янги шаклланган суяк. гематоксилин ва эозин билан бўйаш. Ош. 10x40.



16-расм. Юмшоқ бирлаштирувчи тўқима ва етилмаган суяк тўқимаси. Гематоксилин ва эозин билан бўйаш. Ош. 10x10.



